

ИМОМ МОТУРИДИЙ ҲИДОЯТ ИМОМИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15709317>

Аллаберган Аллаберганов

Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти

“Ақоид ва фикҳий фанлар” кафедраси ўқитувчиси

Мотуридий эътиқоди, яъни Абу Мансур Муҳаммад ибн Маҳмуд Мотуридийнинг илмий ва ақидавий таълимоти, Ислом оламида муҳим ўрин тутган. Унинг таълимоти, авваламбор, ҳанафий мазҳаби билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, Ўрта Осиёда, хусусан, Самарқанд ва Бухорода кенг тарқалган. Мотуридийнинг асосий хиссаси, ислом ақидасининг ҳар доим ижобий ва мувозанатли шаклда тарқалишига қаратилган эътибор ва хулоса изланишларида яққол намоён бўлган. Унинг ҳанафийликка оид илмий мероси ва унинг замонавига таъсири, Ислам каломини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Хуросон ўлкасининг Балх ва Рай шаҳарлари орқали Мовароуннаҳрга кириб келган ҳанафийлик таълимоти, бу ерда ҳам Хуросондагидек жадаллик билан ривожланди ва кенг ёйилди. Мовроуннаҳрнинг кўплаб шаҳарлари, айниқса, Самарқанд ва Бухоро Абу Ҳанифа шогирдларининг қатъий ҳаракатлари сабаб ҳанафийлик таълимотининг асосий марказларига айланди. Мовароуннаҳрда ҳанафийлик мазҳаби ривожига, албатта, ўша пайтдаги айрим сиёсий воқеалар ҳам катта роль ўйнаган.

Самарқанд 712 йилда Қутайба ибн Муслим томонидан фатҳ этилгандан кейин маҳаллий аҳоли катта миқдорда хирож ва бож тўлашга мажбур эди. Аммо бу хабар Халифа Умар ибн Абдулазизга етиб боргач, у Исломга янги кирган самарқандликлардан ноҳақ олинган жизя ва хирож солиғини бекор қилиб, ўзларига қайтаришга амр берган. Аммо шундан кейин ҳам солиқлар ундириш давом этиб, маҳаллий аҳоли ҳукмдорлар томонидан мажбурлай бошланди[1:7].

Бу ноҳақликларга Абу Ҳанифа ва унинг тарафдорлари салбий фикрда бўлдилар. Бу орада Ҳорис ибн Сурайж кўзғолони бўлиб ўтди. Абу Ҳанифа ва унинг шогирдлари бўлаётган ноҳақликларга билдирган салбий фиклари туфайли ҳамда халқ тарафида туришлари бу таълимотнинг минтақада кенг тарқалишига сабаб бўлди. Абу Ҳанифанинг Самарқанд шаҳридан етишиб чиққан бир қатор издошлари қозилик лавозимида ишлашлари ҳам бу мазҳабнинг ушбу диёрдаги ривожига катта ҳисса қўшган. Улар расмий

ишларидан бўш вақтларида илмий фаолият билан ҳам жиддий шуғулланишарди. Абу Ҳанафа издошларидан баъзилари эса ўзларини мансаблардан йироқ тутиб, фақат илмий фаолият билан машғул бўлдилар. Бир қатор манбалар кўрсатишича, Абу Ҳанифадан илм олган ва Мовароуннаҳрда унинг фикрларини тарқатган олимлар асосан қуйидагилардан иборат:

- Абу Муқотил Ҳафс ибн Салм (Сухайл) ал-Фаззорий ас-Самарқандий,
- Шарик ибн Абу Муқотил,
- Наср ибн Абу Абдилмалик ал-Атоқий,
- Исҳоқ ибн Иброҳим ал-Ҳанзалий,
- Маъруф ибн Ҳасан, Юнус ибн Сабиҳ.

Бу олимлар ичида, шубҳасиз, Абу Муқотил ас-Самарқандийнинг алоҳида ўринга эга[2].

Исломшунос тарихчи олим С. Оқиловнинг ёзишича, Самарқандда Абу Ҳанифанинг шогирдлари бошлаб берган қозилик вазифалари ва таълим жараёнлари узок йиллар давом этди. Бир ярим асрлик 150/767 ва 300/912 йиллар оралиғидаги даврда бу ерда муҳим жараёнлар юз берди ва бу ҳодисалар натижасида бир қатор шаҳарларда “Самарқанд мактаби” каби бир қатор ақида ва фикр мактаблари вужудга келди. Хусусан, аббосийлар халифалар ҳанафийликни давлат сиёсати сифатида қувватлаши ва бу мазҳаб олимларига Самарқандда ҳам кўплаб шаҳарлардаги каби қозилик лавозимлари берилиши бу ҳодисаларни маълум маънода тезлаштирди. Натижада Самарқандда ҳанафийлик мазҳаби кенг ёйилди[1:21].

Манбалар Мотуридийнинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Маҳмуд эканлигини кўрсатиб, у зот асосан Абу Мансур Мотуридий номи билан танилган. Олим Самарқанднинг “Мотурид” қишлоғида таваллуд топган. Аллома мўътазилийлар халқнинг ғзаби ва нафратига учраган пайтда, ҳижрий учинчи асрнинг охиригга ўттиз йилида таълим олган. Манбаларда унинг ҳанафийлик фикри ва каломга тегишли барча илмларни асосан Наср ибн Яҳё Балхийдан ўрганганлиги қайд этилган[3].

Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад Мотуридий ас-Самарқандийнинг ҳаёти ҳақида ёзганларнинг бирортаси у зотнинг таваллуд саналарини, ёки қандай тахсил олганларини ва кимдан таъсирланганларини тилга олишмаган[4].

Мотуридий, тадқиқотчи доктор Муҳаммад Айюб Али тахминига кўра ҳижрий 238, милодий 870 йилда таваллуд топган. Ушбу тахминнинг асосий сабаби Мотуридийнинг икки устози вафоти санасига алоқадор бўлиб, улардан бири Муҳаммад ибн Муқотил ар-Розий ҳижрий 248, милодий 880

йили, иккинчиси Наср ибн Яхё Балхий хижрий 268, милодий 898 санада вафот этганлигига боғлиқ. Шу нуктаи назардан Мотуридийнинг хижрий 248, милодий 880 йилларда ўн ёшдан кичик бўлиши эҳтимолдан узоқ[5:87].

Юқоридаги далилларга асосланиб аллома 870 йилда, яъни яна бир улуғ сиймо Имом Бухорий вафот этган санада таваллуд топган деб ҳисобланса, бу тасодифда Яратганнинг буюк бир ҳикмати намоён бўлади.

Абу Мансур Мотуридий Самарқандда хижрий 333, милодий 944 – 945 йили вафот этган ва шаҳар чеккасидаги Чокардиза қабристонига дафн этилган[6].

Абу Мансур Мотуридий юксак илми, динга қилган хизматлари, Ислом ақидасини ҳимоя қилишдаги бемисл жонкуярликларинининг ифодаси бўлган бир қанча шарафли номлар билан танилганлар. Жумладан, “Имом ал-худа” (Тўғри йўл имоми), “Имом ал-мутакалимийн” (Мутакаллимларнинг етакчиси), “Раису аҳли-сунна вал-жамоа” (Аҳли-сунна ва-л-жамоа раҳбари), “Имом аз-зоҳид” (Художўй имом) ва бошқа номлар билан эъзоз топганлар[5:98].

Абдуллоҳ Муруий ўзининг “Фатҳ ал-мубийн фий-табақот ал-усулий” китобида қуйидагиларни айтади: “Абу Мансур кучли ҳужжатли, баҳсда ғолиб, мусулмонлар ақидасини ҳимоя қилувчи, даҳрийларни шубҳаларига раддия берувчи киши эди”[4].

Мотуридий ўз таълимотини анъаналарини ва илмий асарлари билан Мовароуннаҳр илоҳиёт мактаби ривожланишига катта улуш қўшди. Илоҳиёт илмлари тўла шаклланиб камол топишига хизмат қилди. Уларни қайта ишлаб чиқиб, маълум тизимга солишдек бир ишни амалга оширди ва ҳанафий таълимотининг Ўрта Осиё халқларининг урф-одатлари билан боғлиқлигини ўз қарашлари орқали кўрсатиб берди. У ишлаб чиққан таълимот Ислом олами томонидан тан олинган иккита ақидавий йўналишдан бири ҳисобланади[7].

Машҳур турк олими Ташкўпирзоданинг таъкидлашича: “Аҳли-сунна вал жамоада калом илми раислари икки киши бўлиб, улардан бири Ҳанафий иккинчиси Шофиъийдир. Ҳанафий Абу Мансур ал-Мотуридий бўлса Шофиъий Абул Ҳасан Ашъарийдир”.

Ёшлигиданоқ бўлғуси олим кучли салоҳияти билан устозларининг меҳрини қозонади. Шу сабаб у кишининг устозлари Абу Наср Мотуридий илмий мажлисга келгунига қадар гап бошламас, ҳар гал Абу Мансурни узоқдан кўрганида унга ажабланиб боқар ва Қуръони Каримнинг “Қасос” сураси 68-оятни ўқирди: **“Парвардигорингиз ўзи хоҳлаган нарсани яратур (ва Ўзи хоҳлаган ишни) ихтиёр қилур”**[8].

Шунга карамай, Мотуридийнинг шахси ва унинг таълимоти кўпчиликлари табақот, тарих, ақида китоблари муаллифларининг эътиборидан четда қолган. Жумладан, Шахристониининг (ваф. 548/1153) “Ал-милал ва-н-нихал”, Бағдодийнинг (ваф. 429/1037) “ал-Фарқ байнал-фироқ”, Исфаронийнинг “Тафсир”, Ибн Хазмнинг (ваф. 456/1064) “Ал-фасл” асарларида Мотуридийнинг шахси ва Мотуридийлик зикр этилмайди. Ибн Халиконнинг “Вафоёт ал-Аъён”, Ибн Надимнинг “Фихрист”, Самонийнинг “ал-Ансоб” китобларида эса Имом Мотуридийнинг туғилган ватани ҳақида сўз кетар экан: “Бу жойдан кўплаб олим-у фозиллар етишиб чиққан”, – дейилади. Лекин, Мотуридий ушбу муаллифлар томонидан эътибордан четда қолдирилади.

“Табақот ал-муфассирин” китобида ҳам Имом Суютий “Таъвилот аҳли-сунна”дек мукаммал ва машҳур тафсир муаллифини қаламга олмайди.

Ҳанафийликка оид табақот жанри дастлабки муаллифларидан бўлган Абдулқодир ибн Муҳаммад Қураший Ҳанафийнинг “Жаваҳир ал-музия фий табақот ал-ҳанафия” китобида Мотуридий ҳақида ҳатто 10 қаторга етмайдиган жуда оз маълумотлар берган.

Мотуридий илмий меросининг ўрта асрларнинг кўплаб манбаларида назардан четда қолишига қуйидагилар сабаб бўлган:

1. Аллома ҳаёти давомида илмий фаолият олиб борган ўлка ўз даврида Ислом оламининг турли диёрларидан кўплаб олимлар тўпланадиган халифалик марказларидан узоқ бўлганлиги;

2. Олимнинг ўрта асрларда Ислом дунёсининг илмий марказлари ҳисобланган Бағдод, Дамашқ, Макка ва Мадина каби шаҳарларга бормаганлиги ва у ердаги олимлар билан учрашиб улар билан илмий суҳбатларда бўлмаганлиги унинг танилишига шу билан биргаликда ушбу шаҳарлар тарихлари ва солномаларида зикр қилинмаслигига олиб елган;

3. Ҳанафийлик мазҳаби уламолари илмий меросига таалукли бўлган табақот асарларининг кечикиши. Ҳанафийликка оид табақот жанрида асар ёзган илк асар муаллифи Абдулқодир Қураший бўлиб, у хижрий 775 милодий 1376 – 1377 йиллари вафот этган[5:79].

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Мотуридийнинг таълимоти ва илмий мероси ўрта асрлардан бошлаб, Ислом оламида жуда катта таълимий ва ақидий таъсир кўрсатди. Унинг фалсафий ва каломий тадқиқотлари нафақат Самарқанд, балки бутун Мовароуннаҳр ва удан ташқари ҳудудларда ҳам таралди. Мотуридийнинг илмий иши ва ижоди, ўз замонидаги сиёсий ва ижтимоий ҳолатларга жавобан ривожланган бўлиб, аҳли сунна ва-л-жамоа ақидасининг янада мустаҳкамланишида муҳим роль ўйнаган. Шубҳасиз,

Мотуридий ўзининг яратган таълимоти билан Ислом оламида калом ва фикҳ илмининг ривожига катта ҳисса қўшди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Оқилов. С. Мовароуннаҳрда мотуридия таълимотининг шаклланиши. – Т.: Мовароуннаҳр. 2012. – Б. 7.
2. Ahmed A. K. Buyuk turk alimi Maturudi ve Maturudilik. – Istanbul: Bayrak. 2008. – Б. 44.
3. Муҳаммад Абу Заҳра. Тарих ал-мазаҳиб ал-исламийя. – Қоҳира: Дор ал-фикр, 1995. – Б. 164.
4. Муаллифлар жамоаси. Мавсуот ал-Муяссара –Байрут: Дарул-кутубил илмия, 2005. 5-ж. – Б. 99.
5. Доктор Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Ҳарбий. Ал-Мотуридия. – Ар-Риёд: Дар ас-Самий, 2000. – Б. 87.
6. Оқилов С. Абул-л-Муъин ан-Насафий илмий мероси ва мотуридия таълимоти. – Т.: Мухаррир, 2008. (Монография). – Б. 5.
7. Азимов А. Мақола. ТИУ. Ахборот бюллетени. – Т.: ТИУ, 2009/4. – Б. 8.
8. Аловуддин Мансур. Куръони Карим. (Оят маънолари таржимаси) – Т.: Чўлпон, 1991. – Б. 282.